

*“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Деҳқонобод калий заводи” АЖ
ягона акциядорининг
2022 йил “5” декабрдаги
қарори 1- иловаси билан*



«DEHQONOBOD KALIY ZAVODI»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

У С Т А В И
(янги таҳрир)

| | | |
|----|--|---------|
| 1 | Умумий қоидалар | 3 |
| 2 | Жамиятнинг юридик мақоми, почта манзили ва электрон почта манзили | 3 – 4 |
| 3 | Жамият фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишлари | 4 – 5 |
| 4 | Жамият Устав фондининг миқдори, уни кўпайтириш ва камайтириш тартиби | 5 – 6 |
| 5 | Жамиятнинг акциялари, уларнинг номинал қиймати, уларни жойлаштириш тартиби ва эълон қилинган акциялар | 6 |
| 6 | Жамият акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | 6 – 7 |
| 7 | Жамият фойдасини, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби | 7 – 8 |
| 8 | Жамиятнинг захира фондини ва бошқа фондларини ташкил этиш тартиби | 8 |
| 9 | Жамиятни бошқарув органлари | 8 |
| 10 | Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши | 8 – 11 |
| 11 | Жамият Кузатув кенгаши | 11 – 14 |
| 12 | Жамият Ижроия органи (Бошқарув) | 14 – 16 |
| 13 | Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи | 16 |
| 14 | Жамиятнинг фаолиятини назорат қилиш | 16 – 18 |
| 15 | Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш | 18 |
| 16 | Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш | 19 |

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «Dehqonobod kaliy zavodi» aksiyadorlik jamiyati (матн давомида Жамият деб номланади) Жамият таъсисчиларининг 2019 йил 24 майдаги қарорига асосан ташкил топган. Жамият «Dehqonobod kaliy zavodi» mas'uliyati cheklangan jamiyati ни қайта ташкил этилиши натижасида ташкил этилган.

1.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 октябрдаги Ф-684-сонли Фармойиши ҳамда «O'zkiyosanoat» Давлат акциядорлик компаниясининг 2011 йил 03 ноябрдаги 110-сонли буйруғи асосида ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани ҳокимияти томонидан 2011 йил 22 ноябрда 517-сонли реестр рақами билан Давлат рўйхатиغا олинган. Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматлари агентлиги Қашқадарё вилоят бошқармаси Дехқонобод туман давлат хизматлари маркази томонидан 2018 йил 16 апрелда 71109-сонли реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган «Dehqonobod kaliy zavodi» mas'uliyati cheklangan jamiyati нинг барча молиявий ҳуқуқ ва мажбуриятлари буйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.3. Жамиятнинг ўзбек тилидаги тўлиқ расмий номи:

- лотин алифбосида – “Dehqonobod kaliy zavodi” aksiyadorlik jamiyati;
- кирилл алифбосида – “Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти.

Жамиятнинг ўзбек тилидаги қисқартирилган номи:

- лотин алифбосида – “DKZ” AJ;
- кирилл алифбосида – “ДКЗ” АЖ.

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ расмий номи:

Акционерное общество «Дехканабадский калийный завод»

Жамиятнинг рус тилидаги қисқартирилган номи:

АО «ДКЗ»

Жамиятнинг инглиз тилидаги тўлиқ номи:

«Dekhanabad Potash Plant» Joint stock company

Жамиятнинг инглиз тилидаги қисқартирилган номи:

«DPP» JSC

2. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ

2.1. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Жамиятнинг ҳужалик фаолияти қайси давлатларнинг ҳудудида амалга оширилса, ушбу давлатларнинг қонунчилиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига, шунингдек мазкур Уставга мувофиқ амалга оширади.

2.2. Жамият ўзининг мустақил балансига ва ҳисобрақамига эга. Жамият ҳисоб – китобларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ўз ишларини (хизматларини) сотиш жойларида, шу жумладан Жамиятнинг ҳужалик фаолияти амалга ошириладиган давлатлар ҳудудида жойлашган банкларда ва бошқа кредит муассасаларида валюта ва бошқа ҳисобрақамларни очиши мумкин.

2.3. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин, ўз номи ёзилган штамп, бланкаларига, товар белгисига ва ўз тимсолига эга.

2.4. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.5. Давлат ва унинг органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.6. Жамиятнинг мол – мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол – мулклардан ташкил топади.

2.7. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс ҳуқуқини олган шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.8. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

2.9. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида янги шўъба корхоналар, филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шўъба корхоналар, филиаллар ташкил этилиши ва ваколатхоналар очилиши, ушбу шўъба корхона, филиал ва ваколатхона жойлашган мамлакат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, Жамиятнинг Кузатув кенгаши тасдиқлаган Низомлар асосида иш кўради.

2.11. Жамият ўзининг юридик манзилдан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосий фаолиятни амалга оширмайдиган маъмурий идораларини ташкил этишга ҳақли.

2.12. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.13. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга тузилган.

2.14. Жамиятнинг почта манзили: **Ўзбекистон Республикаси, 180405, Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани.**

2.15. Жамиятнинг электрон почта манзили – info@uz-potash.uz, жамиятнинг веб-сайти www.uz-potash.uz.

2.16. Жамият Тошкент шаҳрида жойлашган ўз ваколатхонасига эга.

Жамият Ваколатхонасининг давлат тилидаги тўлиқ расмий номи:

- лотин алифбосида – “Dehqonobod kaliy zavodi” aksiyadorlik jamiyati Toshkent shahridagi Vakolatxonasi

- крилл алифбосида – “Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти Тошкент шаҳридаги Ваколатхонаси

Жамият Ваколатхонасининг давлат тилидаги қисқартирилган номи:

- лотин алифбосида – “DKZ” AJ Toshkent shahridagi vakolatxonasi

- крилл алифбосида - “ДКЗ” АЖ Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси

Жамият Ваколатхонасининг рус тилидаги тўлиқ расмий номи:

- Представительство акционерного общества «Дехканабадский калийный завод» в городе Ташкенте

Жамият Ваколатхонасининг рус тилидаги қисқартирилган номи:

- Представительство АО «ДКЗ» в г.Ташкенте

2.17. “Dehqonobod kaliy zavodi” aksiyadorlik jamiyati Toshkent shahridagi Vakolatxonasi жойлашган ери (почта манзили): **Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 38-уй.**

3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Жамият ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва асосий мақсади фойда олишдир.

3.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари куйидагилар ҳисобланади:

- сільвинит калийли туз конларида қазиларни ишларини амалга ошириш;
- автотранспорт воситаларида юкларни ташиш ишларини амалга ошириш;
- фойдали хом ашё ресурсларни қайта ишлаш, улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш;
- жамият томонидан ишлаб чиқарилган товарларни реализация қилиш;
- янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш;
- ўз ходимларини Ўзбекистонда, яқин ва узоқ хориж мамлакатларида, шунингдек Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ташкил этиш;
- ўзига берилган ваколатлар доирасида хорижий мамлакатлар билан алоқа қилиш;
- Ўзбекистон Республикасида ва хорижда фирма дўконлари, супермаркетлар, тижорат марказларини очиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида тадбиркорлик, ташқи иқтисодий, воситачилик, савдо-воситачилик, савдо-сотик, тижорат-комиссион, консигнацион, инжиниринг, маркетинг ва реклама-ахборот фаолияти бўйича хизматлар, траст, брокерлик, дилерлик, дистрибьюторлик ва

бошқа тижорат хизматларини кўрсатиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва хориж мамлакатлари юридик ва жисмоний шахсларининг ишончномаси асосида ишлаб чиқариш – хўжалик, тижорат ва молиявий фаолият соҳаларида амалга ошириладиган операциялар;

- Ўзбекистон Республикасида ва хорижда ўтказиладиган ярмаркалар, кўргазмалар, аукционлар ва савдоларни ташкиллаштириш ва уларда қатнашиш;
- тижорат фаолияти, молия ва бошқарув масалалари бўйича маркетинг тадқиқотлари ва консултациялар олиб бориш;
- ахборот ва реклама фаолияти;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш, ускуналар, товарлар ва хизматлар импорти ҳамда экспортини белгиланган тартибда мустақил равишда амалга ошириш;
- молиявий ёрдам кўрсатиш, кредитлар, займлар, ссудаларни бериш, шу жумладан хайрия фаолиятини амалга ошириш;
- қимматли қоғозлар, улушлар, пайлар билан ҳар қандай турдаги операцияларни, шу жумладан олди-сотди операцияларини амалга ошириш;
- зарур ҳолларда бошқа ташкилотлар, шу жумладан чет эллардан ходимларни жалб қилиш.
- Жамият қонунчилик билан таъқиқланмаган, ва Уставида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.

3.3. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари Жамият шундай лицензия олинганидан кейин амалга оширилади.

4. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланadi.

4.2. Жамиятнинг устав фонди унинг мол – мулкнинг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди ва **2 301 392 924 315 (икки триллион уч юз бир миллиард уч юз тўқсон икки миллион тўққиз юз йигирма тўрт минг уч юз ўн беш) сўмни ташкил қилиб, 2 301 392 924 315** донга эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

Бир донга акциянинг номинал қиймати – 1 (бир) сўм.

а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш

4.3. Жамиятнинг Устав фонди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.4. Кўшимча акциялар Жамият томонидан Жамият Уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

4.5. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият Уставига устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.6. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

4.7. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият Уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

4.8. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш

- 4.9. Жамиятнинг Устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.
- 4.10. Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.
- 4.11. Жамият Устав фондини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият Устав фондининг Жамият Уставидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.
- 4.12. Устав фондини камайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР

- 5.1. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акциялардир.
- 5.2. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.
- 5.3. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.
- 5.4. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.
- 5.5. Жамият акцияларининг номинал қиймати 1 (бир) сўм.
- 5.6. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.
- 5.7. Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.
- 5.8. Жамият акцияларининг жойлаштирилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 5.9. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.
- 5.10. Жамиятнинг эълон қилинган акциялари – Жамият Устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг сони номинал қиймати 1 (бир) сўмлик 8 390 075 040 936 (саккиз триллион уч юз тўксон миллиард етмиш беш миллион қирқ минг тўққиз юз ўттиз олти) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

6. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- ўзига тааллуқли депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол – мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия – ҳужалик фаолияти натижалари тўғрисида тулиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
 - ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш;
 - Жамият акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш.
- 6.2. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.
- 6.3. Жамиятнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.
- 6.4. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, Жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқини беради.
- 6.5. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.
- 6.6. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.
- 6.7. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.
- 6.8. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:
- мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;
 - мазкур Уставда назарда тутилган чегараларда, Жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсунуш;
 - Жамиятнинг махфий тусда бўлган ахборотларини ошкор қилмаслик;
 - ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачисини хабардор қилиш.
- 6.9. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

7. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

- 7.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг, Жамият фондларига ажратмалар бажарилади. Тақсимланмаган фойда Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.
- 7.2. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.
- 7.3. Жамият акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.
- 7.4. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.
- 7.5. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.
- 7.6. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.
- 7.7. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.
- 7.8. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.9. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.10. Жамият қуйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
- агар Жамият соф активларининг қиймати унинг Устав фонди ва заҳира фонди суммасидан кам бўлса.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.11. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

7.12. Жамиятнинг зарарлари қонунчиликда белгиланган тартибда заҳира фонди маблағлари ҳисобига қопланади.

8. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Жамиятда соф фойда ҳисобидан Заҳира Фонди ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондлар тузилади.

8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг заҳира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

8.3. Заҳира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

8.4. Жамият Устав фондининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорда Жамият заҳира фонди тузилади.

8.5. Жамият заҳира Фондига ушбу Уставнинг 8.4. бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорда ажратмалар ўтказилади.

8.6. Заҳира Фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

8.7. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарори билан Жамиятнинг соф фойдаси ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан ажратмалар ўтказиш йўли билан, Дивиденд тўлаш фонди тузилиши мумкин. Жамиятнинг Дивиденд тўлаш фонди дивидендларни тўлаш учун маблағларни заҳиралаш ва кейинчалик акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ акциядорларга дивидендларни тўлаб бериш учун мўлжалланади.

9. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

9.1. Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи (Бошқарув).

10. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

10.2. Жамият акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши одатда ҳар йили май ойининг 01 санасидан 31 санасигача бўлган давр оралиғида ўтказилади.

10.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтишчини сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг Бошқарув аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Жамиятнинг Бошқаруви ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора - тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

10.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

10.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга

тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

10.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

- а)** Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамият янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш, Жамиятнинг Устав фонди миқдорини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият Уставига устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;
- б)** Жамиятни қайта ташкил этиш;
- в)** Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- г)** Жамият Кузатув кенгашининг сони ва таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- д)** эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- е)** Жамиятнинг Устав фондини камайтириш;
- ж)** ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;
- з)** Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Жамият ижроия органини тузиш, Жамият Бошқарувининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиқлаш;
- и)** Жамият Бошқарув раиси ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш, ёллаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Жамият Бошқарув раиси ва аъзоларини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади;
- к)** Жамиятнинг молиявий йил якуни бўйича соф фойдадан тўланадиган рағбатлантирувчи тўловлар миқдорларини белгилаш;
- л)** Жамият тафтишчисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтишчи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Тафтишчига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- м)** Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- н)** Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- о)** Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтишчининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтишчининг хулосаларини эшитиш;
- п)** акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- р)** мажбурий аудиторлик текширувчини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- с)** акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- т)** қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- у)** қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- ф)** дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;
- х)** Ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш
- ц)** Корпоратив бошқарув кодекси ва корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;
- ч)** Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар карама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;
- ш)** Ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- щ)** Ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ы)** Электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- э) Санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслахатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- ю) Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини саклаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- я) Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни ўрнатиш, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;
- аа) Акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш имконияти ва шароитини яратиш;
- бб) қонунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.
- 10.7.** Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамият Бошқарувига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.
- 10.8.** Ушбу уставбилан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан ҳал этилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 10.9.** Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар Қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.
- 10.10.** Ушбу Уставнинг 10.6. бандидаги а) ва ф) қисмларда кўрсатилган масалалар бўйича қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан фақат Кузатув кенгашининг таклифига биноан қабул қилинади.
- 10.11.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.
- 10.12.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари амалдаги қонунчиликда ва ушбу Уставда назарда тутилган тартибда, ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.
- 10.13.** Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.
- 10.14.** Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 кун олдин Корпоратив ахборот ягона порталида, жамиятнинг расмий веб – сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.
- 10.15.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 21 (йигирма бир) кундан кам ва 30 (ўттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.
- 10.16.** Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритиш юзасидан таклифлар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва тафтишчига бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.
- 10.17.** Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтишчининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.
- 10.18.** Жамият Тафтишчиси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 кун ичида Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.
- 10.19.** Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон

қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

10.20. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

10.21. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 кундан кечиктирмай 2 нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

10.22. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида» ги Низоми билан тартибга солинади.

10.23. Жамият акциядорлар умумий йиғилишида акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи Жамият Бошқаруви аъзолари Жамият Бошқарув аъзоларини сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

10.24. Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган тақдирда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Мазкур устав билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда қонунчилик ва ушбу уставда кўзда тутилган акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгилувчи қондалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қондалар бундан мустасно.

11. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Жамият Устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

11.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши камида бир нафар (аммо Уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоиздан кам бўлмаган) аъзоси – йирик акциядор билан келишилган ҳолда тавсия этилади ва сайланади.

11.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора - тадбирлар тўғрисида Жамият Бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

б) Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно;

в) акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

д) акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

е) Ушбу Уставнинг 10.6. бандидаги а) ва ф) қисмларида кўрсатилган масалаларни ҳал этишни акциядорларнинг Умумий йиғилишига киритиш;

ж) мол – мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

з) Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзолари ваколатларини қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставда белгиланган ҳолатларда муддатидан илгари тугатиш;

и) Жамиятнинг Устав фонди миқдорини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият Уставига устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;

к) акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

л) акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- м) Жамиятнинг йиллик бизнес – режасини тасдиқлаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес – режаси жорий йилнинг 1 декабидан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- н) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш шунингдек жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- о) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- п) Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- р) Жамиятнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва «Ички аудит хизмати тўғрисида» ги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- с) Жамият Тафтишчисига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;
- г) Жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;
- у) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- ф) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш (йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин);
- х) Жамиятнинг захира фонди ва бошқа фондларидан (дивиденд тўлаш фондидан ташқари) фойдаланиш;
- ц) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиш ва тугатиш, шунингдек Жамият филиаллари ва ваколатхоналари низомларини тасдиқлаш ва уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- ч) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- ш) Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
- э) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- ю) Корпоратив маслаҳатчинини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- я) Жамиятнинг «Ахборот сиёсати тўғрисида» ги Низомни тасдиқлаш;
- аа) Жамият Бошқаруви аъзолари лавозимига танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари, уларнинг якуни бўйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнларини ўз ичига олган регламентни тасдиқлаш;
- бб) Жамият ижроия органи, ички назорат органи, Жамиятда ташкил этилган коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, зарур бўлганда, Жамият ривожланиш режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этиш;
- вв) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, уни жорий этиш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсия бериш ва мунтазам баҳоланиши бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини, шунингдек йиллик молиявий ҳисоботларни Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш учун малакали хизмат кўрсатувчи аудиторлик ёки консалтинг ташкилотларини жалб этиш бўйича ишларни мувофиқлаштиришни таъминлаш.
- гг) хомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;
- дд) Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлов асосида жалб этиш;
- ее) Жамиятда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш юзасидан назоратни амалга ошириш;
- жж) Кузатув кенгаши барча акциядорларга, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил муносабатни таъминлаш;
- зз) ушбу Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш;

- 11.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.
- 11.5. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг миқдор таркиби **5 (беш) кишидан** иборат.
- 11.6. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.
- 11.7. Жамият Бошқарув аъзоларининг Кузатув кенгашига сайланишлари мумкин эмас.
- 11.8. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.
- 11.9. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.
- 11.10. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.
- 11.11. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.
- 11.12. Жамият Кузатув кенгаши Раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири бажариб туради.
- 11.13. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг Раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Бундан ташқари, Жамият Кузатув кенгашининг мажлислари Кузатув кенгаш Раисининг ташаббуси билан ёки қуйидагилар талабига кўра чақирилади:
- Кузатув кенгаш аъзоларининг;
 - Тафтишчининг;
 - Жамият Бошқарувиининг;
 - ички аудит хизмати бошлигининг;
 - Жамиятнинг 1 (бир) фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаларининг;
 - қонунчиликда ва мазкур Уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.
- 11.14. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум, Кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг етмиш беш фоизини ташкил қилади.
- 11.15. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Мазкур Уставнинг 4.5. бандида ва 11.3 бандининг и), ф) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан (яқдиллик билан) қабул қилинади.
- 11.16. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас.
- 11.17. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.
- 11.18. Жамият Кузатув кенгаши қарорлари билан Жамият акциядорлари таништирилиши мумкин. Жамият акциядорлари Жамиятнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлари билан ҳам танишишлари мумкин.
- 11.19. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.
- 11.20. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.
- 11.21. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.
- 11.22. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.
- 11.23. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва Кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ички ҳужжат билан белгилаб қўйилади.

- 11.24. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, уз ҳуқуқларини амалга оширишда ва уз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.
- 11.25. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги уз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.
- 11.26. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.
- 11.27. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорлар Умумий йиғилишида тасдиқланган «Жамият Кузатув кенгаши тўғрисида» ги Низомида белгилаб қўйилади.
- 11.28. Жамият Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, Жамият Бошқаруви аъзоларининг, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар) дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиши мумкин.

12. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ (БОШҚАРУВ)

- 12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик коллегиал ижроия орган – Жамият Бошқаруви томонидан амалга оширилади. Жамият Бошқаруви 4 (тўрт) нафар аъздан иборат.
- 12.2. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилишининг ва Жамият Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.
- 12.3. Жамият Бошқаруви ижро этувчи орган ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув Кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.
- 12.4. Жамият бошқаруви Бошқарув раиси, бошқарув раисининг биринчи ўринбосари ва бошқарув раисининг ўринбосарларидан иборат.
- 12.5. Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга ҳар йили улар билан тузиладиган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиш билан амалга оширилади. Бошқарув раиси сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас;
- 12.6. Жамият Бошқаруви Раиси билан меҳнат шартномаси Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади.
- 12.7. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномаларини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси ёки Жамият Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.
- 12.8. Жамият ходимлари мазкур Уставга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини тузадилар.
- 12.9. Жамият Бошқарувининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар қиради, акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Жамият Кузатув Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.
- 12.10. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув Кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.
- 12.11. Жамият Бошқаруви ушбу Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида» ги Низом асосида иш олиб боради.
- 12.12. Жамият Бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади. Жамият Бошқаруви томонидан Кузатув кенгаш ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда Бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Бошқарувнинг фикри ҳақида Кузатув кенгашида ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида Бошқарув Раиси ёки у томонидан ваколат берилган Бошқарув аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.
- 12.13. Жамият Бошқаруви мажлиси унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда Бошқарув аъзоларининг 50 фоизидан ортиқ қисми қатнашса, ҳал қилишга ҳақлидир.
- 12.14. Жамият Бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Жамият Бошқаруви Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади. Мазкур уставнинг 12.17. бандининг к) қисмида кўрсатилган масала бўйича қарор мажлисда иштирок этаётган Жамият Бошқаруви аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.
- 12.15. Жамият Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорга рози бўлмаган Бошқарув аъзолари уз фикрларини Жамият Кузатув Кенгашига билдиришлари мумкин:

12.16. Бошқарув мажлисида баённома юритилади. Баённома мажлисида иштирок этаётган Жамият Бошқарув аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Бошқарув мажлисининг баённомаси Кузатув Кенгаши ва Жамият тафтишчисига, шунингдек аудиторга уларнинг талабига кўра берилади.

12.17. Жамият Бошқарувининг мажбуриятлари ва ваколатларига қуйидагилар киради:

- а) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол – мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;
- б) Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йуриқномаларини тасдиқлаш;
- в) Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- г) Жамият шўба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- д) Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;
- е) Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес – режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
- ж) Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес – режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
- з) қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- и) Жамиятнинг молия – ҳужалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг Кузатув Кенгаши, Жамият тафтишчиси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- к) ўз ваколати доирасида мол – мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол – мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида Жамият Бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Жамият бошқаруви қарорига мувофиқ Кузатув Кенгаши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин);
- л) Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бошқаруви томонидан белгиланади;
- м) ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг Умумий йиғилишига ва Жамият Кузатув Кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;
- н) Жамият акциядорларининг Умумий йиғилишида ва Кузатув Кенгаши мажлисларида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
- о) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;
- п) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- р) Жамиятнинг Бошқаруви, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12.18. Жамият Бошқарув раисининг мажбуриятлари ва ваколатларига қуйидагилар киради:

- а) ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- б) Жамият Кузатув Кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;
- в) давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;
- г) Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўради;
- д) Жамият ходимларининг ижтимоий қўлқўлларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлайди;
- е) Штатларни белгилайди, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлайди;
- ж) Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;
- з) Жамият филиллари ва ваколатхоналари штат жадвалларини тасдиқлайди;
- и) Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;
- к) Банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади;
- л) ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият миждозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;
- м) Жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

- н) Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;
- о) Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- п) Жамият Бошқаруви раиси, қонунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- 12.19. Жамият Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.
- 12.20. Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.
- 12.21. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.
- 12.22. Бошқарув Раисини лавозимидан бўшатиш (ваколатини тугатиш) ҳақидаги қарор Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
- 12.23. Бошқарув аъзоларини лавозимидан бўшатиш (ваколатини тугатиш) ҳақидаги қарор Жамият Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинади.
- 12.24. Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари томонидан ушбу Устав ва меҳнат шартномаси шартлари қўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес – режасининг тасдиқланган кўрсаткичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган зарарлари сабабли улар билан тузилган меҳнат шартномаси қонунчиликда белгиланган тартибда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.
- 12.25. Жамият Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолда уларнинг вазифасини вақтинча бажаришни Жамият Кузатув Кенгашининг қарорига мувофиқ тайинланган шахс олиб бориши мумкин.

13. ЖАМИЯТНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИ

- 13.1. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият Бошқарувининг зиммасида бўлади.
- 13.2. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкӣ манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.
- 13.3. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 10 (ўн) кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.
- 13.4. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

14. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Жамият тафтишчиси

- 14.1. Тафтишчи Жамиятнинг молия – ҳўжалик фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтишчини 1 йил муддатга сайлайди.
- 14.2. Жамият тафтишчисига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс Жамият тафтишчилигига кетма – кет 3 мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.
- 14.3. Жамият тафтишчисининг ваколати доирасига қуйидагилар киради:
- Жамиятнинг молия – ҳўжалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича, ўзининг, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёхуд Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра текшириш;
 - Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳўжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончилигига доир баҳо бериш;

- бухгалтерия ва статистик ҳисобларни амалдаги норматив ҳужжатларга муносиблигини таҳлил қилиш;
 - молиявий - ҳўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятида ўрнатилган норматив, қоидаларга ва давлат стандарларига риоя қилинаётганлигини текшириш;
 - Қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;
 - Қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият Кузатув кенгашининг мажлисларини чақирилишини талаб қилиш;
 - Жамиятнинг барча хизмат хоналарига тўсиқсиз кириш;
 - жамиятнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш, унинг тўлов қобилиятини, тугатилишини, ўзининг ва заём маблағларини нисбатини, жамиятнинг иқтисодий ҳолати яхшиланишига резервларни таъсирини таҳлил қилиш;
 - солиқ инспекцияси, статистик ва бошқа давлат бошқаруви органлари учун тузилган баланс, ҳисобот ҳужжатларни тўғрилигини текшириш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларини таҳлил қилиш, қарорлар жамиятнинг ҳужжатларига, яъни амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлар талабларига тўғри келмасликлари аниқланганда тақлифлар киритиш;
 - иш жилдларидан айрим ҳужжатларни олиш (иш жилдларида ҳужжатлар олиниши тўғрисидаги далолатнома ва олинган ҳужжатлар нусхаларини қолдириш), агарда текширув мобайнида калбакилаштириш, сохталаштириш ёки бошқа суистеъмолчилик ҳолатлари аниқланадиган бўлса;
 - жамият бошқарув органлари мансабдор шахслари, жамият ижроия органи таркибий бўлимлари мудирлари ва ходимларидан текширув мобайнида пайдо бўладиган масалалар бўйича ёзма тушунтиришлар олиш;
 - жамият бошқарув органлари мансабдор шахслари, жамият бошқаруви таркибий бўлимлари мудирларига аниқланган қоидабузарликлар юзасидан зудлик билан чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар бериш, агарда бундай чораларни кўрмаслик қимматликларнинг, ҳужжатларнинг йўқ бўлишига ёки келгусидаги суистеъмолчилик ҳолатларининг келиб чиқишига сабаб бўлса;
 - жамият бошқарув органлари мансабдор шахслари, жамият ижроия органи таркибий бўлимлари мудирлари ва ходимларидан Тафтишчи жамиятнинг молиявий ва ҳўжалик фаолиятини текширилишини ўтказиши учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материалларни сўраб олиш;
 - жамият бошқарув органлари мансабдор шахсларига жамият ходимлари, шу жумладан жамият бошқарув органлари мансабдор шахсларига нисбатан агарда улар томонидан жамият Устави ва жамият ички ҳужжатлари қоидалари бузилган бўлса, интизомий ва моддий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш тўғрисидаги масаласини кўриб чиқишга киритиш.
 - Тафтишчи, қонунчилик, ушбу Устав ва «Тафтишчи тўғрисида» ги Низомга мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- 14.4.** Жамият тафтишчиси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Тафтишчи тўғрисида» ги Низомда белгилаб қўйилади.
- 14.5.** Жамият тафтишчининг ёзма талабига кўра Жамият Бошқаруви Жамиятнинг молия – ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтишчига тақдим этиши шарт.
- 14.6.** Жамият тафтишчисининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айна шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.
- 14.7.** Жамиятнинг молия – ҳўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Жамиятнинг тафтишчиси хулоса тузади, бу хулосада:
- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;
 - бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия – ҳўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.
- 14.8.** Тафтишчи Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу Уставнинг 14.7. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

б) Ички аудит хизмати

14.9. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлганлиги сабабли Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати

Жамиятнинг Кузатув Кенгашига ҳисобдордир. Ички аудит хизмати аъзоларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

14.10. Ички аудит хизмати Жамият Бошқарувининг, шўба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, мазкур Уставга ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб – таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, шўба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди. Шунингдек ички аудит хизмати 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

14.11. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

в) Аудиторлик ташкилоти

14.12. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия – хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

14.13. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

г) Миноритар акциядорлар қўмитаси

14.14. Жамиятда миноритар акциядорлар қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

14.15. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда уларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузишлари мумкин.

14.16. Миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда, жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини таъминлаш харажатлари қопланиши мумкин.

14.17. Миноритар акциядорлар ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан жамият ижроия органи фаолиятига тўсқинлик қилмасликлари керак.

д) Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси

14.18. Жамиятда жамият кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

14.19. Жамият корпоратив маслаҳатчиси кузатув кенгаши томонидан тайинланади.

14.20. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

15. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

15.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш) ва тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

15.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49 – 52 моддалари, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуннинг 92 – 97 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

15.3. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

15.4. Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;
- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга асосан.

15.5. Жамиятни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53 – 56 моддалари, шунингдек «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонуннинг 98 – 101 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

16. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

16.1. Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Жамият Кузатув кенгаши томонидан Жамият Уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли Давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

16.2. Жамият Уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан қучга киради.

16.3. Агар мазкур Уставни бирон бир қондаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

16.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

16.5. Жамиятнинг ушбу Устави Давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Давлат хизматлари Маркази томонидан 2021 йил 12 майда рўйхага олинган Жамият Устави ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.